

ПРИКАЗ

МИНИСТРА СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ОБ УТВЕРЖДЕНИИ НОРМ И ТЕХНОЛОГИИ ЗАРЫБЛЕНИЯ
ЕСТЕСТВЕННЫХ ВОДОЕМОВ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ИХ
ПРОДУКТИВНОСТИ

[Зарегистрирован Министерством юстиции Республики Узбекистан от 20
декабря 2018 г. Регистрационный № 3103]

г. Ташкент,

16 ноября 2018 г.,

№ 54

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ
ТАБИЙ СУВ ҲАВЗАЛАРИ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА
БАЛИҚЛАНТИРИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 20 декабрда
рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3103]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги ПҚ-3657-сон
«Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида»ги [қарорига](#) мувофиқ буюраман:

1. Табиий сув ҳавзалари маҳсулдорлигини оширишда балиқлантириш меъёрлари ва
технологияси [иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга
киради.

Вазир Б. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 16 ноябрь,
54-сон

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2018 йил 16 ноябрдаги 54-сон [буйруғига](#)
ИЛОВА

**Табиий сув ҳавзалари маҳсулдорлигини оширишда балиқлантириш
МЕЪЁРЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги
ПҚ-3657-сон «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида»ги [қарорига](#) мувофиқ табиий сув ҳавзаларини балиқлантириш
меъёрлари ва технологиясини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур ҳужжат талаблари табиий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш билан шуғулланувчи юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

2. Мазкур Низомда чавоқ деганда балиқларни личинка давридан кейинги ривожланиш босқичи тушунилади.

2-боб. Табиий сув ҳавзаларини балиқлантириш меъёрлари ва технологияси

3. Ҳар бир табиий сув ҳавзасининг биологик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда табиий сув ҳавзаси тегишли ўсимликхўр балиқлар билан балиқлантирилади.

4. Табиий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш бошланган вақтдан кейин 3 йил давомида ҳар йили 1 гектар сув ҳавзаси камида 50 дона ўсимликхўр балиқларнинг чавоқлари билан балиқлантирилиши лозим. Бунда ўсимликхўр балиқлар чавоқларининг оғирлиги 20 граммдан кам бўлмаслиги керак.

5. Табиий сув ҳавзаларининг қирғоқларида балиқ чавоқларини етиштириш учун чавоқ ҳовузлари ташкил этилиши мумкин. Бунда ҳар бир чавоқ ҳовузларининг майдони 0,5 гектардан кўп бўлмаслиги лозим.

6. Табиий сув ҳавзаларини балиқлантириш мақсадида сувга ташланадиган балиқ чавоқларининг сони ва оғирлиги қуйидагича аниқланади:

балиқ чавоқларини етиштирувчи ташкилотнинг тегишли мутахассиси ҳамда тегишли туман (шаҳар) ветеринария бўлимининг ихтиопатологи иштирокида ўлчаш сиғимига ихтиёрий миқдордаги балиқ чавоқлари олинади;

сиғимга олинган балиқ чавоқларининг табиий сув ҳавзасини балиқлантиришга яроқлилиги ҳамда касаллик аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аниқланади;

табиий сув ҳавзасини балиқлантиришга яроқли ҳамда касаллик аломатлари мавжуд эмас деб топилган балиқ чавоқларининг оғирлиги ўлчанади, уларнинг сони саналади, шунингдек ҳар бир балиқ чавоғининг вазни аниқланади.

7. Табиий сув ҳавзасини балиқлантиришга яроқли ҳамда касаллик аломатлари мавжуд эмас деб топилган балиқ чавоқларини ташиш тирик балиқ ташишга мўлжалланган махсус транспорт воситасида амалга оширилади.

Бунда, махсус елим халтанинг ҳажмидан келиб чиқиб учдан икки қисми балиқ чавоқлари яшаб турган сув билан тўлдирилади ва балиқ чавоқлари ташланади, шунингдек халта герметик ҳолда қадокланади. Герметик ҳолда қадокланган халталар махсус транспорт воситасининг балиқларни ташишга мўлжалланган қисмига жойлаштирилади ва ташиш амалга оширилади.

8. Табиий сув ҳавзасига балиқ чавоқларини ташлашдан олдин табиий сув ҳавзасининг тегишли ҳудудида мелиоратив ишлар амалга оширилади. Бунда, табиий сув ҳавзасининг тегишли ҳудудидаги сув ўтлари ўриб ташланади.

9. Табиий сув ҳавзасининг тегишли ҳудудида мелиоратив ишлар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ҳудудий бўлинмаларининг тегишли мутахассислари иштирокида амалга оширилади.

10. Махсус транспорт воситасида табиий сув ҳавзасига олиб келинган балиқ чавоқларини табиий сув ҳавзасига ташлашдан олдин махсус транспорт воситасидаги сувнинг ҳарорати ва табиий сув ҳавзаси сувининг ҳарорати ўлчаниши зарур.

11. Табиий сув ҳавзаси сувининг ҳарорати махсус транспорт воситасидаги сувнинг ҳароратидан 5 °C фарқ қилганда махсус транспорт воситасидаги сувнинг ҳарорати табиий сув ҳавзаси сувининг ҳароратига тенглаштирилиши лозим.

12. Махсус транспорт воситасидаги балиқ чавоқларини табиий сув ҳавзасига ташлаш табиий сув ҳавзасининг саёз бўлган қирғоғида амалга оширилади.

3-боб. Яқуний қоида

13. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат ветеринария қўмитаси, «Ипотека банк» акциядорлик тижорат ипотека банки, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Сув хўжалиги вазири Ш. ХАМРАЕВ

2018 йил 5 ноябрь,

Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б. ҚЎЧҚОРОВ

2018 йил 6 ноябрь,

Давлат ветеринария қўмитаси раиси в.в.б. Б. НОРҚОБИЛОВ

2018 йил 8 ноябрь,

«Ипотека банк» акциядорлик тижорат ипотека банки раиси О. МУСАЕВ

2018 йил 1 ноябрь,

«Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси раиси А. ЭРГАШЕВ

2018 йил 31 октябрь,

Савдо-саноат палатаси раиси А. ИКРАМОВ

2018 йил 13 ноябрь,